



MILLIY TIKLANISH

6 (275) ● 2014 йил 12 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ
Конун лойиҳалари муҳокамаси чоғида фракция аъзолари ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назарларини баён этишди



7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Японияда кўплаб сиёсий партиялар фаолият олиб бораётган бўлиб, бу одамлардаги сиёсий оннинг даражаси, сайлаш ҳуқуқининг оммавийлашуви ва давлат бошқарувининг мустақамланишига янада муҳим асос бўлмоқда



8 КЎЗГУ
Театр санъати давр маданиятини кўрсатувчи муҳим восита ҳисобланади. Шу маънода Кўқон шаҳар Ҳамза номидаги муסיқали драма театри ҳам ана шундай маданият ўчоғи вазифасини ўтаб келмоқда

Хабарлар

Сара йигитлар хизматга йўл олди

Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга қақриллаётган йигитларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари, қақрилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида миллий армиямиз нуфузи янада ортиб, унинг сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун юксак шон-шараф ишига айланди. Бугунги кунда ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом ва бақувват, билимли ва дунёқараши кенг йигитлар саралаб олинмоқда. Бунинг учун туман мудофаа ишлари бўлимлари қошидаги қақриув пунктларида барча шароитлар яратилган. 2013 йилда вилоятдаги 3 қақриув пункти замонавий тарзда қайтадан барпо этилди, қолганлари капитал реконструкция қилинди.

"Таълим ва карьера"

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Екросопаст" МЧЖ ҳамкорлигида ташкил этилган «Таълим ва карьера» унинг халқаро кўргазмаси очилди.

"Таълим ва карьера" кўргазмаси 13 февралгача давом этади. Кўргазма доирасида маҳорат дарслари, викторина ва танловлар, республикамиздаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги нуфузли ўқув юрталарининг тақдимотлари ҳам ўтказилади. Бу йилги кўргазмада Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча олий таълим муассасалари, хориждаги нуфузли олий ўқув юрталари ва уларнинг Ўзбекистондаги филиаллари, хорижда таълим олишга кўмаклашувчи ташкилотлар ҳамда қатор ўқув марказлари ўз стендлари билан иштирок этмоқда.

Аждодларга эҳтиром

Қамолитдин Бехзод мемориал бог-музейида ташкил этилган кўргазмада миниатюрчи рассомлар Баҳодир Ҳожиметов, Хуриш Назаров, Даврон Тошев, Шомақмуд Муҳаммаджонов, Тоир Болтабоев, Баҳодир Бобоназаров, Ниязали Холматов, Чарос Пайзиеваларнинг Навоий ва Бобур рубоий ва достонлари асосида ишланган миниатюра асарлари ўрин олган.

Экспозициядан миниатюрчи рассомларнинг "Алишер Навоий лирикаси", "Ҳамса", "Бобур", "Шоир илҳом", "Лисон ут-тайр", "Фарҳод ва Ширин", "Бобур. Қовун соғинчи" каби қатор асарлари жой олган. Ушбу асарларда XV-XVI асрларда яратилган шарқ китобат санъатининг энг гўзал намуналари ўз тажассумини топган. Икки буюк аждодимизнинг бой илмий меросини ўрганишда бу каби кўргазмаларнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Партия ҳаёти



Ижроия Қўмита йиғилиши

унда партия фаолиятининг муҳим вазифалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП фаолияти билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан илдам одимлаётган мамлакатимизда барча соҳалар қатори сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий механизм ва шарт-шароитлар яратилди. ЎзМТДП ҳам бугунги кун талаблари даражасида фао-

лият юритиши учун бор имкониятларини сафарбар қилишга интиломоқда. Бу борада Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни дамда фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда партия ҳаёти-

га замонавий сиёсий технологияларни жорий қилиш ва партия Дастурий ҳужжатларини ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленумини қақриш масаласи бўйича партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқди. Таъкидланганидек, ЎзМТДПнинг ўтган йил якунлари ва жорий йилга мўлжалланган устувор вазифаларини белгилаб олиш мақсадида ҳар йил бошида қақриладиган Пленумга партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасида қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

2-бет

Ташаббус ва натижа

Репродуктив саломатлик ва тиббий маданият

юксалишига кўмаклашиш партиянинг тиббиёт соҳасидаги вазифалари рўйида муҳим аҳамият касб этади

Аҳоли саломатлигини таъминлашда, энг аввало, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиши, ёш оилаларни мустақамлаш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли тиббий маданиятини янада юксалтириш ва малакали-намунали тиббий хизмат кўрсатиши сифатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Истиқлол йилларида тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли бугунги кунда Андижон вилоятидаги шифо масканлари энг замонавий тиббий-диагностик, даволаш-профилактик асбоб-ускуналар билан таъминланди. Олий ва ўрта махсус билим даргоҳларида етук тиббиёт ходимларини тайёрлаш борасида самарали ишлар амалга ошириляптир.

Этироф этиш жоизки, партия сайловолди Платформасида аҳолининг соғлигини мустақамлаш, Ўзбекистон халқига тарихан хос бўлган соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган миллий давлат дастурлари рўйида чиқарилишига кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама қилинган аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлашга қаратилган ташаббус-масала партиямизнинг тиббиёт соҳасидаги дастурий мақсад ва ва-

зифалари рўйида муҳим аҳамият касб этади. "Андижон вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиши сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини янада такомиллаштириш ҳамда дори-дармонлар таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида" - ги масала халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муҳайё Зайнобиддинова томонидан доимий комиссияга киритилган эди.

2-бет

Фракция ҳаёти

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Қонун лойиҳалари муҳокамада


Йиғилишда дастлаб "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида" ги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмиталари, ҳукумат, вазирликлар ва бошқа давлат органлари томонидан тақдим этилган 15 дан ортиқ қонун лойиҳаларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш учун ҳуқуқий экспертиза амалга оширилди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Бюджет кодекси

давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди

(Давоми. Боши 1-бетда)

2014 йилнинг 1 январидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бу борадаги дастурий мақсад ва вазифалар ижросини амалда намоён этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир, - деди партия раҳбари.

Тадбирда Бюджет кодексиди белгиланган нормалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва зарурати ҳақида атрофлича тушунчалар берилди. Таъкидланганидек, Бюджет кодекси "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни бажариш, давлат молия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш мақсадида бюджет жараёнини тартибга солиш, янада меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинди. У бюджет жараёнининг барча босқичларини тартибга солиш, уни амалга оширувчи ва назорат қилувчи нормаларни ўз ичига олган 192 та моддадан иборат.

Бюджет кодекси давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш ва давлат хизматлари қўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилди. У бюджет жараёнини тартибга солиб, амалиётдаги мавжуд зиддиятлар ва эскирган нормаларни бартараф этди. Шунингдек, амалиётда ўзини оқлаб, ишлаб турган нормалар, қоидалар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштиришга ҳизмат қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетини бошқариш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Исмолжон Мамажонов маъруза қилди. Маърузачи таъкидлаганидек, Бюджет кодексининг давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти унга бюджет тизими тамойиллари, бюджет таснифи, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш ёки натижага йўналтирилган бюджет

жетлаштириш каби нормалар киритилганда намоён бўлмоқда. Шунингдек, бюджет ваколатларининг кенгайтирилиши, жумладан, нафақат назорат органлари, балки тўғридан-тўғри бюджет маблағларини олувчилар, бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағларини тақсимловчилар ваколатлари белгилаб берилди. Амалдаги меъёрларни кенгайтириш билан бир қаторда, қабул қилинган Бюджет кодекси, давлат томонидан маблағ жалб қилиш, бюджет ижроси устидан назорат ва бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни акс эттирувчи янги модда билан тўлдирилди.

Шунингдек, давлат секториди бухгалтерия ҳисоб-китобининг миллий стандартлари жорий этилгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайтыда Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг жойлаштирилиши яна бир муҳим янгиликдир. Бюджет кодексини янада такомиллаштириш мақсадида уни 2014-2015 йиллар давомида апробациядан ўтказиш белгиланди. Бу жараёнда зарур бўлганда Кодексга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатиди таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини шакллантириш жараёнида ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия позициясидан келиб чиққан ҳолда уни янада такомиллаштиришда фол иштирок этди. Фракция аъзолари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар даромадларини шакллантириш, харажатларни амалга ошириш механизмларини нормаларда ифода этиш, бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни аниқ белгилаш каби 40 дан орტიқ тақлиф ва тавсиялар тақдим этилди. Уларнинг ярмидан кўпи Бюджет кодексининг бир қанча моддаларида ўз аксини топди.

Тадбирда Кодексда белгиланган қоидалар юзасидан савол-жавоблар, муҳокамалар бўлиб ўтди. Мутахассислар уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини мониторинг қилиб бориш бўйича ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бюджет кодексининг икки йил давомидаги апробацияси жараёнида ЎзМТДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари олдида турган вазифалар белгиланди.

Абдурашид ТҲУТАБОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Тадбирда Бюджет Кодексининг мамлакат бюджет тизимини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Жумладан, парламент назоратининг муҳим элементи Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижросини назорат қилиш, маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорақдаги ижросини вакиллик органларида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жорий этилганлигидан келиб чиқиб жойлардаги партия гуруҳлари масъулиятини янада ошириш лозим. Шунингдек, сиёсий партияларнинг молиявий манбаларида Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг қатта салмоққа эгаллигидан келиб чиқиб, ушбу маблағларни маълумият билан сарфлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган молиявий назоратни тартибга солиш ҳамда Бюджет интизомини кучайтириш каби масалалар давра суҳбатиди қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" муҳбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" 2014 йил — Соғлом бола йўлига бағишланган **"Мустаҳкам оила — ёрғу келажак гарови"** шиори остида мақолалар танловини эълон қилди.

Танловнинг асосий мақсади мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар, оилада болалар соғлиғи ва, айниқса, маънавий саломатлигига қаратилган дастурий вазифалар, жамиятда инсон қадрли, унда шаклланувчи олижаноб фазилатларни тарғиб қилиш орқали миллий тикланиш ғояларини омма онгига сингдириш, халқимиз миллий-маънавий қадриятларининг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни тарғиб қилиш, маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда болалар саломатлигига қаратилган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бориши, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам беришни яхшилашда ҳар бир фуқаронинг ролини оширишда мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 16-45 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўз мақолалари билан иштирок этиши мумкин.
2. Тақдим этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:
 - Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, аёллар ва болалар саломатлигини асраш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва макomini, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, маънавий, иқтисодий, сиёсий савиясини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиш ва уй-рўғдор ишларини енгилаштириш учун қўлай ижтимоий-مائий шароитлар яратиш борасида олиб борилаётган ишлар кенг ёритилиши;

Хайрулло ВАСИЕВ,
ЎзМТДП аъзоси

Партия ҳаёти



Ижроия Кўмита йиғилиши

унда партия фаолиятининг муҳим вазифалари муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзМТДПнинг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилган партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев таъкидлаганидек, жорий йилги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда партия дастурий ғоя ва мақсадларининг кенг жамоатчилик орасига кириб боришининг самарали усуллари фаолиятимизга татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишда барча йўналишдаги тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, бу борада ҳамкор ташкилотлар иштирокини кенгайтириш ва тадбирларимизни йирик лойиҳалар асосида ташкил этиш лозим бўлади.

Шунингдек, йиғилиш давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг 2013 йилда амалга оширган ишлари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, 2013 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари

фаолиятида ўтган йилларга нисбатан ижобий силжиш кузатилди. Жумладан, 2012 йилда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан 178 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 12 та қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича депутатлик назорати амалга оширилган бўлса, 2013 йилда 351 та депутатлик сўровлари, шу жумладан, 26 та қонун ва ҳукумат қарорлари бўйича депутатлик назорати ўтказилган. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига партия гуруҳлари томонидан 2012 йилда 24 та масала олиб чиқилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 37 тани ташкил этди. Тўғри, бу рақамлар бугун замон олдимизга қўяётган талаблар даражасида эмас. Шу боис, жорий йилда депутатларимиздан партия сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда янада ташаббускорлик ва фаоллик талаб этилади.

Кун тартибидидаги навбатдаги масала муҳокамасида партиянинг

фаолият йўналишлари бўйича юқори натижаларга эришган бошланғич партия ташкилотлари, туман (шаҳар), вилоят Кенгашларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш ва келгусида оммалаштириш мақсадида ҳар йили ташкил этиладиган "ЎзМТДПнинг худудий ва маҳаллий Кенгашлари ўртасида "Энг намунали худудий партия ташкилоти", "Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши", "Энг намунали бошланғич партия ташкилоти" номинациялари бўйича ўтказилган кўрик-танлов якунлари ўз аксини топди. Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродовнинг ахбороти тингланди. Эътироф этилганидек, уч босқичда, яъни бошланғич партия ташкилотлари, туман (шаҳар) Кенгашлари ва худудий партия ташкилотлари ўртасида 2013 йил давомида партия фаолияти доирасида амалга оширилган асосий кўрсаткичлари натижалари асосида ўтказилган танлов натижаларига кўра, 1-ўринга ЎзМТДП Навоий вилояти, Қўзилтепа туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган бошланғич

партия ташкилоти, 2-ўринга ЎзМТДП Қашқадарё вилояти, Республика шошилинч тез-тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ҳамда ЎзМТДП Хоразм вилояти, Урганч "Манзилгоҳи" темирйўл шифохонасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти, 3-ўринга ЎзМТДП Жиззах вилояти, Жиззах туман қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ҳамда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, Республика онкология диспансерида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти лойиҳа деб топилди. "Энг намунали худудий партия ташкилоти" номинацияси бўйича 1-ўринга ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши, 2-ўринга ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши ҳамда 3-ўринга ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши лойиҳа қўрилди.

Ижроия Кўмита йиғилишида партия фаолияти билан боғлиқ яна бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

Ташаббус ва натижа

Репродуктив саломатлик ва тиббий маданият

юксалишига кўмаклашиш партиянинг тиббиёт соҳасидаги вазифалари рўёбиди муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур ташаббус доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига киритилди. — Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш масалаларида кенг жамоатчилик, мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда, - деди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Муҳайё Зайнобиддинова. — ЎзМТДПнинг тиббиёт соҳасидаги мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, соҳада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида партия гуруҳимиз томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДП худудий Кенгашлари билан ҳамкорликда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлодни дунёга келтириш масаласига қаратилган турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тарғибот тадбирларида маҳалла фаоллари, айниқса, ёш оилаларнинг жалб қилинаётгани яхши самара бермоқда.

Айни пайтда вилоятда 341 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 95 таси андозавий ва 246 таси мослаштирилган биноларда иш олиб боради. 314 та қишлоқ врачлик пункти инфратузилма ривожланган худудда жойлашган бўлса, 20 таси чўл худудида ва 7 таси тоғли худудларда жойлашган. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида ҚВПлар қиймати 6 млрд. сўмдан зиёд бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланиб, телефонлаштирилди ҳамда 72 тасида дорихона шохобчалари ташкил қилинди. 2010-2012 йилларда консолидир

(марказлашган ҳолда) харид йўли билан ўртача 400-700 млн. сўм маблағ сарфланган бўлса, 2013 йилда 900 млн. сўмга яқин маблағ қишлоқ врачлик пунктлари ривож учун йўналтирилди. Вилоятда кейинги 5 йил давомида 370 нафар шифокор 10 ойлик махсус курсларда ва 8392 нафар шифокор эса қисқа муддатли курсларда малака оширган бўлиб, вилоят бўйича 2981 нафар (48 %) шифокор малака тоифасига эга бўлди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам учрашувлар, давра суҳбати ва мулоқотлар ташкил қилиб келинмоқда. Репродуктив кўрсаткичлар ҳар ой якунлари билан таҳлил қилиниб, натижалар вилоят

саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш мақсадида сессияга киритилган ташаббус-масала ўрганиб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессияси қарориди соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан мутасадди шахслар, корхона ва ташкилотлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилди. Жумладан, қарорда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Андижон давлат тиббиёт институти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига ва уларнинг хо-

- **Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус-масала халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясига киритилди**
- **Вилоятда 341 та қишлоқ врачлик пункти фаолият олиб боради**
- **2013 йилда 900 млн. сўмга яқин маблағ қишлоқ врачлик пунктлари ривож учун йўналтирилди**

хотин-қизлар кўмитаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида малакали мутахассислар, профессор-олимлар, фаол хотин-қизларни жалб қилган ҳолда ўрганилиб, жойинг ўзида муаммонинг ечимини топишга кўмаклашилмоқда.

Репродуктив саломатлик ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижалари вилоят ҳокимлиги ҳузурда ташкил этилган доимий ишловчи вилоят комиссиясига тақдим этиб борилмоқда. Камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, бу борада соғлиқни сақлаш тизими билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул ходимлари ҳисоботлари эшитилмоқда. Бу борадаги

тин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаларига алоҳида топшириқлар белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан партия гуруҳининг масъулияти яна бир қарра ошди. Қарор ижросини таъминлаш борасида партия ташкилотлари билан ҳамкорликда саъй-ҳаракат олиб бориш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, электорат билан бу борада турли учрашув ва тадбирлар ташкил этиш вазифаси ҳар бир депутат кун тартибидан жой олмоқда.

Ташкилий гуруҳ

Ёш авлод камолоти

Ўтказилган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎзМТДП Нукус туман Кенгаши томонидан “XXI аср — интеллектуал авлод асри, глобаллашётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасидаги устувор вазифалардан саналади, - деди тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мухтаassis Б.Кўштерев. — Партия-миз томонидан ёшлар ва ота-оналар иштирокида ўтказилаётган тадбирларда ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишда миллий қадриятлар ҳамда оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг аҳамияти тушунтириб борилмоқда.

Тадбирда глобаллашув ва бугунги тезкор ахборот асри ўзининг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатларини ҳам намойиш қилаётгани, буни, айниқса, интернет тақдим этаётган имконият ва хизматлар мисолида яққол кўриш мумкинлиги қайд этилди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олишди.

БУХОРО

Ана шу мавзудаги яна бир тадбир партия Қоровулбозор туман Кенгаши томонидан ҳам ўтказилди. Тадбирни партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ф.Бозорова ва кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида келажакимиз эгаларига муносиб шарт-шароитларни яратиш берилди, уларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад мумкин. Глобаллашув боис юзага келаятган маънавий таҳдидларнинг ёшлар онгига салбий таъсирининг олдини олиш, уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш жамоатчилик вакилларидан жиддий эътиборни талаб қилади. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, партия-миз ёшларни миллий қадрият ва урф-одатларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга кўмаклашишни ўзининг устувор дастурий мақсади сифатида белгиланган.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, улардан пухта билим олиб, ўз устида янада кўпроқ ишлаш, иқтидор ва қобилиятларини Ватан равнақи, халқ манфаатларига сафарбар этишни талаб этади.

Кизгин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

НАМАНГАН

— Мустақиллик йилларида она ва бола ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда, - деди ЎзМТДП Наманган туман Кенгаши томонидан “Соғлом она — соғлом бола” мавзусида ўтказилган тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Хасанбой Холиқов. — Бу жараёнда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, хусусан, оила қадриятларини асраб-авайлаш, никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига сингдириш орқали оилалар мустаҳкамлиги, оналар ва болалар саломатлигини таъминлашга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиб келяпти.

Эътибор этилганидек, жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланган партиянинг барча даражадаги ташкилотларидан янада фаол бўлиш, ушбу йўналишдаги фаолиятимизни янги босқичга кўтариш, тадбирлар таъсирчанлигини оширишда янги ғоялар ва технологияларни амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Тадбирда репродуктив саломатлигини сақлаш, она ва бола саломатлиги, оилада тиббий маданиятни мустаҳкамлаш масалаларига оид қабул қилинган метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЖИЗЗАХ

Жорий “Соғлом бола йили” муносабати билан ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, иқтидор эгаларини муносиб рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида турли спорт мусобақалари ташкил этиш ЎзМТДПнинг жорий йилдаги фаолиятида янада долзарб аҳамият касб этади. Худудий партия ташкилотлари бу каби мусобақаларни ташкил этиб келмоқда.

Партия Мирзачўл туман Кенгаши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида “Ўзбекистон — ягона Ватаним” мавзусида мини футбол бўйича спорт мусобақаси ташкил этилди.

— Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук ҳамда баркамол этиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс, - деди тадбирда сўз олган партия Мирзачўл туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Б.Камолов. — Партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказиб келинаётган бундай мусобақалар оилаларда соғлом турмуш тарзи аъналарини қарор топтириш, ёшларнинг бундан вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда иқтидор эгаларини кашф этишда айна мундоо бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда юртимизда болалар спортга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ёш йилгит-қизлар халқро мусобақаларда муваффақият қозониб, шохсупанинг энг юқори поғоналаридан жой олишаётгани эътироф этилди.

Мусобақа голиблари партия туман Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Боқий мерос



Аждодлар маънавий мероси

авлодлар камолотига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишлаб “Миллий маънавиятимиз ривожидан Навоий ижодининг аҳамияти” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолитдин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бой тарихи, миллий қадриятларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзининг нодир асарлари билан тарихда ўчмас из қолдирган буюк бобокалонларимиз номи ва мероси қайта тикланди. Улар орасида, айниқса, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоийнинг бой ижодий мероси алоҳида ўрин тутди. Унинг ҳар бир асари чуқур таълимий ўғитлар, бой тарбиявий аҳамиятга эга. Улар инсон ақлини тоблади, қалбини гўзалликка ошно этади. Шоирнинг ҳар битта асаридан ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, матонат, бағрикенглик, меҳр ва муҳаббат каби умуминсоний ғоя ва мақсадлар тараннум этилади. Шу боис, тили, миллати, замони ва маконидан қатъи назар инсон зоти борки ўз руҳий эҳтиёжларини қондириш учун Навоий ижоди сари талпинаверади.

Бугун Москва, Боку, Токио шаҳарларида Мир Алишер Навоийнинг ҳайкаллари қад ростилаб, кўплаб мамлакатларнинг пойтахтлари кўчаларига улуғ мутафаккир бобомизнинг номи қўйилган. Бундан ғурурланмай бўладими? Алишер Навоий

асарларига эҳтиёж - бу ҳамisha абадий ҳақиқатларга, комилликка, кўнгилнинг ҳеч қачон ўзгармайдиган, эскирмайдиган тирик туйғунари ифодасига, сўз силларини очишга бўлган эҳтиёждир. Токи инсоният барҳаёт экан, бу эҳтиёж мавжуд бўлиб қолаверади, - деди нотик.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари истиқлол йилларида бой тарих ва қадимий аъналаримизни давом эттиришда муҳим ўрин тутадиган ҳамда халқимиз маънавияти ва миллий тафаккурининг ажралмас қисми бўлган адабиёт соҳасига алоҳида эътибор бериб келинаётгани, Юртбошимиз раҳнамолигида маънавий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга кенг шарт-шароит яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

Эътироф этилганидек, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва партия ғоясидан келиб чиққан ҳолда ҳамisha миллий ғурур ва шаън туйғусини мустаҳкамлаш, халқимизда миллий ўзлигини англашни ўстириш ҳамда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аъналаримиз бардавомлигини сақлаш масалаларига

эътибор қаратишга интилади. Жумладан, мазкур тадбир ҳам ёш авлодни тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни этиб тарбиялашга кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Рихситилла Абдуллаев бобокалонимиз Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида сахналаштирилган спектакллар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, улуғ мутафаккир ижодидан намуналар ўқиди.

Олимжон ДАВЛАТОВ, адабиётшунос олим:

— Ҳазрат Алишер Навоий нафақат ижодкор, балки давлат ишларини юритишда ҳам тенги йўқ арбоб эди. Навоий асарлари адабиётимиз, тилшунослик илми ва бошқа соҳалар учун тадқиқотлар манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, ёш авлод қалбини Ватанга садоқат, меҳр-оқибат ҳамда чин инсоний фазилатларни сингдиришда ҳам Навоий ижоди кўмакка келади. Мумтоз шеърят аънасининг барча имкониятларидан унумли фойдаланиб, туркий тилда нодир асарлар яратиш мумкинлигини исбот этган Навоий бадияти бугун ҳам илҳомландир, тадқиқотчилар диққат марказида. Навоий ижодини ўрганиш борасида олиб борилаётган кузатувлар ҳали тадқиқ қилиниши зарур бўлган жиҳатлар кўп эканлигини кўрсатмоқда. Неча йилки, Навоий меросига муносабат этиб, унинг сўз сеҳридан баҳра олаётганимиз ҳам унинг асарлари доимо барҳаётлигидан яққол далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида “Аждодлар мероси — маънавият кўзгуси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Анжумани кириш сўзи билан очган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Бахтиёр Сайфуллаев миллимиз ғурурига айланган Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймосини улуғлаш ва ёшлар қалбидан уларга нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш борасида тўхталиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракция аъзоси Абдуғафур Маматов маъруза қилди. — Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аждодларимиз номи ва уларнинг буй маънавий меросини қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор амалий ишлар қилинди ва бу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда буюк бобокалонларимизнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини англаш ҳамда келажак авлодларимизга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиздир. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки,

ёшларни буюк аждодларимиз қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганишга жалб этиш, уларни ватанпарварлик, она юртва садоқат, миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни этиб тарбиялашга кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор дастурий вазифаларидан саналади. Шу боис, партия ўз фаолияти давомида аждодлар меросини асраб-авайлашга кўмаклашиш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини келажакимиз эгаларига ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда, - деди нотик.

Йиғилишда сўз олган навоийшунос олимлар ва ижодкорлар Навоий ва Бобур адабий мероси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Сўз санъатининг буюк намояндалари она тилимизнинг гўзаллиги, нафосатию тароватини ўз асарларида яққол кўрсатиб бергани, сўз кўллаш борасидаги имкониятлари алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда талаба-ёшлар ўзларининг бадий чикишлари билан тадбирга ўзгача шуқуқ бағишладди. Улар томонидан Навоий ҳамда Бобурнинг бир-биридан гўзал рубоий ва ғазаллари ўқилди, куй-қўшиқлар орқали тараннум этилди.

Буюк мутафаккир, давлат арбоби ва шоир Алишер Навоийнинг 573 йиллигига бағишланган яна бир маънавий-маърифий тадбир ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девоний раҳбари Даврон Сафаров истиқлол йилларида аждодларимиздан бизгача етиб келган бой маънавий меросни ўқиб-ўрганиш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бекум-куст етказишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигини таъкидлади. Хусусан, Навоий ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди.

Таъкидланганидек, Алишер Навоий каби буюк алломаларимизнинг тафаккури, салоҳияти, жаҳон илми хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ўсиб келаятган ёш авлод қалбига сингдириш, уларни аждодларимиз меросига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш лозим. Бу борада ЎзМТДП ташкилотлари партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш каби вазифалардан келиб чиққан ҳолда тарғибот тадбирлари билан кўмаклашиб келмоқда.

Маънавий-маърифий кечада Алишер Навоийнинг беназир ижоди, ҳаёти, дурдона асарлари миллий адабиётимиз кўзгуси эканлиги эътироф этилди. Тадбир давомида Ўзбекистон Консерваторияси талабалари Навоий ғазалларидан намуналар ўқидилар. Шунингдек, бир ғуруҳ иштирокчиларга партия аъзолик ғувоҳномалари топширилди.

Тўмарис АЪЗАМ,
Муҳтарам КОМИЛОВА,
«Milliy tiklanish» мухбирлари

Маҳаллий Кенгашларда

2014 йил — «Соғлом бола йили»

Фарзандлар камоли — улуғ мақсадимиз

Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмақда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, мол мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг энг катта бойлигидир”.

миз спортнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Маълумотларга кўра, ўртача ваэн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида 3 сантиметр, қизлар ўртасида 2,9 сантиметр ўсган. Демак, ёшларимиз саломатлиги уларнинг жисмоний кўрсаткичида ҳам намойиш бўлмоқда.

Юртбошимиз маърузасида, айниқса, аёл қадри, уларни оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр кишининг, бутун жамиятнинг бурчи эканлиги, бу ҳақиқат қуруқ гапга айлиниб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намойиш қилишимиз зарурлиги ҳақидаги хулосалари биз оналарни, хотин-қизларни кўнгилмизни тоғдек кўтарди.

ЎзМТДП юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни кўллаб-қувватлаб, ёшлар салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни устувор вазифаси деб биларди. Қолаверса, ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ёш авлод қалбига ватанпарварлик ҳиссини сингдириш тарафдоридир.

Бола соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор бўлади. Шу маънода 2014 йилга “Соғлом бола йили” деб ном берилган замирида улкан мақсад ва ғоялар мумкин. Бу эса, шубҳасиз, фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан етук, соғлом бўлиб тарбия топишига, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг барча худудларида, жумладан, чекка қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий мажмуаларда ўғил-қизларини

Ушбу пурмаъно сўзларда халқимизнинг фарзанд деб атагани бебахо неъматга бўлган меҳр-муҳаббат, орзу-истакларни ўз ифодасини топган. Боиси халқимиз азал-азалдан фарзандларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган. Жорий йил — “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши эса бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлаш билан бир қаторда, катта орзу-хаваслар билан фарзанд тарбиялаётган, ўғил-қизининг камолини юрт истиқболисиз тасаввур этолмайдиган болажон халқимизнинг қувончига қувонч қўшиди. Зеро, ҳар томонлама баркамол, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар жамият таянчи, оила бахти ҳисобланади. Ана шу сабаб, ҳар бир ота-она комил фарзанд тарбиялаш, уларнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни ис- тайди. Мамлакатимизда фарзандларимиз униб-ўсишлари, камол топишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Хусусан, юртимизда она-бола саломатлиги муҳофазаси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугун жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юртимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини сифат жиҳатдан яхшилаш, фарзандларимизни жисмонан ва маънан камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган “Обод турмуш йили”да бюджет маблағлари ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Уларда жами

311 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, профилактика ишларини қучайтириш борасида бажарилган бу улкан ишлар соҳага диагностика ҳамда доволашнинг мутлақо янги усулларини, энг замонавий технология ва техникани жорий этиш имконини берди. Мамлакатимизда “Соғлом она — соғлом бола” ғоясини ўсида муҳим эътибор бундай кенг кўламли чора-тадбирлар бир қатор нуфузли ва халқро таъкидлаш томонидан ҳам эътироф этилаётгани мунозарилдир.

2013 йилда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янада юксак босқичга кўтариш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида 756 та таълим маскани, жумладан, мусика ва санъат мактаблари, болалар спорти обектлари янгидан қурилди ҳамда реконструкция қилиниб капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синфлари, ўқув лабораториялари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Улуғвор ниётларда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар фарзандларимизнинг жаҳон имлфани ва маданияти ютуқларини эгаллаш, етук ҳамда малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар эшигини очини шубҳасиз.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари XXIX сессиясида маҳаллий бюджет ижроси, вилоятда Давлат бюджет ва Давлат мақсади жамғармалари маблағлари сарфланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Маҳаллий бюджет

ижроси кўриб чиқилди

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзолари, Ҳисоб палатаси, Молия, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг мутасадди ходимлари иштирок этди.

Сессияда давлатимиз томонидан маҳаллий бюджетларни шакллантириш, улар даромадларини ошириш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда бюджет интизомига риоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шунингдек, давлат дастурлари бажарилишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллигини ошириш, улар томонидан мутасадди бошқармалар раҳбарларининг доимий эши- тувларини ташкил қилиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Жиззах вилоятида ўтказилган текширишлар давомида инвестиция дастурини бажариш, бу мақсадлар учун Давлат бюджети ва Давлат мақсади жамғармаларидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий якка тартибдаги уй-жойларни барпо этиш бўйича махсус Давлат дастурининг ижроси каби масалаларга ҳам эътибор қаратилганини таъкидлади. Шунингдек, Жиззах вилоятида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ва “2012-2015 йилларда вилоят маҳаллий бюджети даромадларини ошириш ҳисобига субвенция улушини қисқартириш ҳамда субвенция олувчи худудлар сонини камайтириш Дастур”ларининг бажарилиши бўйича тақлифлар берилди.

Сессия якунида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар дастури иш- лаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Фракция ҳаёти



Қонун лойиҳалари муҳокамада

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Хусусан, Омбудсманнинг қонун лойиҳалари юзасидан тақдим этилган ҳулосаларида қонун ҳужжатларини ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлаштиришга, қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирishга ва қонунлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритишга оид бир қатор таклифлари баён этилди.

Маълумки, Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда уларни қаршиликлардан иборат. Ҳисобот йилида ушбу йўналишда институтга фуқаролардан 11733 та мурожаат қабул тушганлиги қайд этилди. Шундан 7712 та ариза ва шикоят — Омбудсманнинг марказий идорасига, 979 та мурожаат эса минтақавий вакилларга юборилган. Мурожаатларнинг энг кўп қисми фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига риоя этилмағлиги ва ҳимоя қилинмағлиги масалалари (4230 та), шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни таъминлаш (2343 та) масалалари билан боғлиқ. Уларда кўтарилган масалалар жамиятнинг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб, мавжуд муаммоларни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ишидаги камчиликларни аниқлашда салмоқли ўрин тутади ва уларни бартараф этиш бўйича энг самарали чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Йилгиликда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан шикоят ва аризаларнинг одил судловга доир ҳуқуқ билан боғлиқ

685 таси назоратга олинганлиги, 113 тасида келтирилган фактлар ва далиллар асосли деб топилиб, фуқароларнинг бузилишига қаршиликлар ва қонуний манфаатларини тиклаш чора-тадбирлари кўрилганлиги алоҳида таъкидланди.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонунлар лойиҳаларини ҳам кўриб чиқиди. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан парламент палаталари қўша мажлисида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Бинобарин, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишдаги бўшлиқни тўлдирish, шу билан бирга ҳокимият ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган «Самарқанд ва Бухоро вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий экспертизани ўтказиш ҳақида»ги Фармойишига мувофиқ ўтган йилнинг март-декабр ойларида мазкур қонун лойиҳасининг қоидалари амалда синовдан ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий эксперимент жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол



иштирок этишди. Хусусан, Бухоро вилоятида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамкорлигида «Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати — жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шарт»и мавзусида, Самарқанд вилоятида эса партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида миллий ахборот-кутубхона ва архив фондлари воситасида маълумотлар тақдим этиш орқали очиклик тамойилини таъминлаш» мавзусидаги давра суҳбатларида қонун лойиҳаси бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда ахборот-кутубхона ва архив фондларининг ўрни ва ролини янада ошириш каби масалалар атрофида муҳокама этилди. Бундан ташқари ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари жойларда ўтказилган тадбирлар, давра суҳбати ва сайловчилар билан учрашувларда ҳуқуқий экспериментнинг аҳамияти, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари олиб боришди.

Тажриба давомидида қонун лойиҳа-

си қоидаларини такомиллаштириш, лойиҳанинг давлат органлари фаолиятининг очиклиги, шаффофлигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳолининг кенг фойдаланишига доир нормалари самарадорлигини баҳолаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан киритилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади — давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашдан иборатдир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини ҳамда мазкур ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилаш қонуннинг асосий вазифалари сифатида белгиланмоқда.

Фракция йилгиликда «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси ҳўжалик судларида иш юритишни янада такомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни кенгроқ таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақтини ва маблағларини тежаш, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга асосан, Хўжалик процессуал кодексининг 8, 90, 131 ва 134-моддаларига қўшимчалар киритиш ва Кодексни янги 126-1-модда билан тўлдирish назарда тутилмоқда. Яъни, ёпиқ суд мажлисини видео-конференция усулида ўтказишга йўл қўйилмағлиги, суд харажатлари таркибига суд мажлисини видео-конференция усулида ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни киритиш, шахсларнинг видео-конференция усулидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи, суд муҳокамасини кейинга қолдириш асосларини белгилаш, суд мажлисининг баённомасида мажлисини видео-конференция усулида ўтказилганлиги фактини акс эттиришни назарда тутувчи нормалар қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Йилгиликда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Арслон ЭШМУРДОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Йилгиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) ўтган йилги фаолияти фракциямиз аъзолари томонидан чуқур муҳокама қилинди. Эътироф этилганидек, ҳисобот даврида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқароларнинг ижтимоий оғини оширишга кўмаклашиш, ҳуқуқий маърифатни такомиллаштиришга қаратилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш Омбудсман фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Муҳокама чоғида фракциямиз аъзолари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ўз нуктаи назарларини баён этишди. Чунончи, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада ривожлантириш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқларини тўлақонли рўйбагич қилиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш каби масалаларда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, қонун бузилишларига барҳам бериш бўйича Омбудсман фаолиятини янада яхшилаш, бу борада ЎзМТДП фракцияси билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шавкат БОЛТАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан эркин фойдаланишни янада яхшилаш, улар устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини ўрнатиш, бир сўз билан айтганда, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари, бу органлар фаолиятининг ошкоралиги, ахборотларнинг излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги белгиланмоқда. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот тақдим этилаётганда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматига нисбатан таъовулардан, шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, юридик шахсларнинг ўз ишчанлик манқеини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этилиши ҳам асосий принциплар сифатида қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Қонун лойиҳаси ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-муддаоларида кўзда тутилган демократик кадрларни одамлар онгига сингдириш, халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишга кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқий асослари мустақамланишни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳамда давлат қурилишининг барча соҳаларидаги фаолияти устидан жамоат назорати масалаларини тартибга солувчи қонунчилик асосларини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди. Зеро, партиямиз сайловолди Платформасида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнига кўмаклашиш, ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари асосий йўналишлар сифатида белгиланган. Шунингдек, Интернет глобал тармоғида миллий ахборот ресурслари ва технологияларини шакллантириш, давлат интерактив хизматларининг янги турларини яратиш ва кўпайтириб бориш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизимларидан устувор фойдаланишини таъминлаш каби масалалар ҳам партиямизнинг муҳим вазифалари сирасига қиради.

Шу нуктаи назардан қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф, фикр-мулоҳазалардан сўнг биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Мулоқот

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик жамиятнинг асосий принципларидан ҳисобланган кўппартиявийлик тизимини вужудга келиб, сиёсий партияларнинг кенг қўламли фаолият юритишлари учун ҳар жиҳатдан шарт-шароит яратиб берилгани уларнинг шаклланиши, ўз позициясини аниқ белгилаб, аҳоли орасига ўз гоя ва мақсадлари билан кириб боришга замин яратди. Бу жараёнда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларда фаол иштирок этиш, жамиятимизни демократлаштириш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш, давлат бошқаруви ҳамда қарорлар қабул қилишдаги ўрни ва ролини кучайтиришга интилиб келмоқда.

Эътироф этиш керакки, сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ҳудудий кенгашлар фаолиятига ҳам боғлиқ. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ботир МАТМУРАТОВга Кенгаш фаолияти юзасидан бир қатор саволлар билан мурожаат қилдик.

— **Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролига алоҳида таъкид қилиб, улар фаолиятини танқидий-тахлил этиди. Сизнингча, шу маънода ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши талаб даражасида фаолият олиб бораётими?**

— Президентимизнинг дастуриламал маърузасида мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш бўйича сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, сиёсий партияларнинг демократик давлат барпо этишдаги роли, партиялараро рақобат ва депутатлик корпуслар фаолияти ҳақидаги фикрлари фаолиятимизни қайта кўриб чиқишга, ҳаракатимиз самарадорлигини янада оширишга ундади.

Гоя ва дастурлар кураши орқали ҳар қандай партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига эришиши мумкин. Ҳулоса шунки, биз мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёнида ўз мафкура ва гоямизни янгича қарашлар билан боғиштиришимиз, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишимиз, сайловчиларни ва партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборимизни қаратишимиз керак. Бошқача айтганда, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини кучайтириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маърифий билимининг ошириб боришимиз талаб этилади. Фаолиятимизда замонавий усуллардан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан, партия нашридан қизгин баҳс-мунозаралар минбари сифатида кенг фойдаланишимиз зарур, деб ўйлайман.

Фаолиятимизни янада жонлантириш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Энг асосийси, партиямиз аъзолари сони тобора кўпаймоқда. Чунончи, ўтган йилнинг олти ойи давомидида фуқаролардан партиямизга аъзо бўлиш истагида 544 ариза келиб тушган. Бугунги кунда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши 13 минг 400 нафардан ортиқ партия аъзосига эга, 579 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган аъзоларнинг 6 минг 167 на-

Замонавий қараш ва янгича ёндашув

уни фаолиятимизнинг ҳар бир йўналишига татбиқ этиш — давр талаби



фарини аёллар, 6 минг 520 нафардан зиёдини ёшлар ташкил этади. Албатта, партия мавқеи аъзоларининг сони билан ўлчанмайди, балки олиб борилаётган аниқ амалий ишлар билан белгиланади.

Жорий йилнинг «Соғлом бола йил» деб номланиши бутун халқимизни қувонтирди. Зеро, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар кўп жиҳатдан келажимиз ҳисобланган ёш авлод камоли билан боғлиқдир. Демак, ўсиб келаётган авлод масаласида давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит ва имкониятлар яратиш каби долзарб вазифалар олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга хизмат қилиши шубҳасиздир. Шу боис, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Кенгаши жорий «Соғлом бола йили»да партиямиз Дастурига мувофиқ мафкуравий, маънавий-маърифий тадбирларни сон ва сифат жиҳатдан бойитиш, ўсиб келаётган авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган ишларни кучайтириш, янги гоя ва ташаббусларни илгари суриш, турли лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Партия иши самарадорлиги кўп жиҳатдан партия ташкилотлари етакчилари ва фаолларига бевосита боғлиқ. Лекин, очик айтиш керакки, ай-

рими бошланғич партия ташкилотлари фаолияти талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, партия фаолияти самарадорлигида қуйи бўғинлар фаоллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, жамиятимизда кечаётган ислохотларда партиянинг ҳар бир бўғини фаоллиги ва ташаббуслорлигини кучайтиришимиз лозим. Биз жойларда кучли бошланғич ташкилотлар сонини янада кўпайтиришимиз, ташкилот етакчилари этиб эса фидойи ва жонқуяр, обрў-эътиборга эга маслақдошларимиздан тайинлашимиз керак.

— **Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсади ва вазифалари сирасига қиради. Бу йўналишда қандай тадбирлар режалаштирилмоқда?**

— Дарҳақиқат, халқимизнинг миллий-маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш, уларни кенг тарғиб этиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу гоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш партиямиз Дастурида белгиланган асосий мақсадлардан биридир. Мана шу эзгу ишларни янада ривожлантириш, миллий бойлигимиз саналган урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни тиклаб, улуг аждодларимизнинг бой меросини халқимиз, ай-

риқса, ёшларимиз оғинига сингдириш, ёш авлод қалбида халқимиз ўтмиши ва келажигидан гурурланиш туйғусини уйғотиш асосий вазифаларимиздан саналади. Шу боис, партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда қуйи бўғинлар «Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, соҳа ривожланиши билан боғлиқ юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, амалга оширилаётган туб ислохотларда фаол иштирок этиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш, ватанпарварлик, миллий истиқлол гоясини рўйбагич қилиш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида партияимизнинг муносиб ўрни бўлиши лозим. Шу боис, миллий бойлигимиз саналган урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қадриятларимизни тиклаб, улуг аждодларимизнинг бой меросини халқимиз оғинига сингдириш, одамлар қалбида халқимиз ўтмиши ва келажигидан гурурланиш туйғусини уйғотиш мақсадида аниқ режаларимизни белгилаб олганмиз.

«Milliy tiklanish» мухбири
Илья ДИЛЬМАНОВ
суҳбатлашди

Маънавият

14 февраль — Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БОБУР МЕРОСИ

изланишлар давом этмоқда



Мустақилликнинг халқимизга берган имкониятларидан бири ўлароқ ташкил этилган Халқаро Бобур жамоат фонди ҳар йили февраль ойининг 14 кунда бобуршунос олимлар, шоир ўзвучилар, кўплаб адабиёт мухлисларини Андижонга анжуманга чорлаб, мезбонлик қилади. Биз шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини муносибати билан ушбу фонд раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси Зокиржон МАШРАБОВ билан суҳбатлашдик.

— Миллатимиз бойлиги саналган Бобур адабий-илмий мероси бугун истиқлол шарафати билан катта бир ҳазинага айланди.

— Дарҳақиқат, гарчи Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си ва шеърлар девони ўтган асрнинг 40-йиллари сўнгидан бошлаб ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб, Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Жамолов, Хосият Назарова, Саидбек Ҳасанов ва бошқа олимлар томонидан илмий ишлар қилинган, рисола-лар тайёрланган бўлса-да, лекин истиқлол йилларида бобуршунослик илми шаклланди, деб айта олмаيمиз. 1991-2010 йиллар ораллигида яратилган Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги академик, илмий-оммабоп нашрлар, диссертациялар, бадиий-адабий асарлар туфайли бобуршунослик илми шаклланди ва ана шу жараёнга Халқаро Бобур жамоат фонди ҳам ҳамкор ва хайрихоҳ бўлганидан беҳад бахтиёримиз.

Фонд таркибидagi Халқаро Бобур экспедицияси 1992 йилдан ҳозиргача йигирма икки мартаба чет элларга Бобур ва бобурийлар қадимжолари, унинг асарлари тарқалган дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида сафарда бўлиб, Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар, Бобур ва бобурийлар, заманимизда етишиб чиққан буюк аждодларимизнинг абадий оромгоҳларини зиёрат қилиб, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларни ватанимизга келтирилди ва илмий истеъмолга киритилди.

— Фонднинг чет эллардаги хайрихоҳлари сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

— Захириддин Муҳаммад Бобур ижодининг мухлислари ер кўрсатининг ҳамма жойида топилади, десам муболағга бўлмайди. Сафарлар асносида жаҳон бобуршунослари илмий фаолиятининг Ўзбекистон билан мунтазам алоқаси йўлга қўйилди. Япониядан Эйжи Мано, АКШдан Уиллер Текстон ва Стефан Дейл, Германиядан Клаус Шониг ва Ян Хонзель, Туркиядан Билол Ожель ва Танжу Сейхан, Ҳиндистондан Мансура Ҳайдар, Франциядан Грамон Беке, Шотландиядан Ҳасан Бек, Афғонистондан Шафика ва Халим Ёрқин, Арабистондан Магда Махлуф, Озарбайжондан Рамиз Аскер, Қозоғистондан Исом Жемени, Туркменистондан Раҳиммамет Куренов қабиладар бугун Ўзбекистон бобуршуносларининг чинакам ҳамкорига, дўстига айланган. Ҳамкорлигимиз шу даражадаки, жаҳоннинг бир неча мамлакатларининг ийрик шаҳарлари, жумладан, Олма Ота, Москва, Белифельд, Агра, Киото, Будапешт, Истанбул, Деҳли, Лохур, Кобул, Қоҳира, Боку ва Ўшда Бобур фонди бўлими яши олиб борапти.

— Андижоннинг "Боғишамол" даҳасидаги Бобур боғи ва "Жаҳон маданияти ва Бобур" музейи вилоят аҳли ва меҳмонларининг доимий зиёратгоҳига айланган.

— Ҳазрат Бобур "Бори элга яхшилик қилгани мундин яхши йўқ, ким дегайди, даҳр аро қолди фалондин яхшилик" деган машҳур сатрларини беҳиз айтмаган. Халқимиз дилтортар сайилгоҳга айланган Боғу Бобурга тез-тез келадиган бўлиб қолишган. Айниқса,

ёзнинг иссиқ кунларида жамоа бўлиб келишади. Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлар, адабий кечалар, турли кўрик-танловлар бўлиб ўтади. "Жаҳон маданияти ва Бобур" музейи эса ҳақиқий илму маърифат масканига айланган. Музейга экспедиция давомида Бобур ва бобурийлар асарларининг чет тиллардаги таржималари, улар хусусида ёзилган тадқиқотлар, 400 дан кўпроқ йигирмадан зиёд тилдаги китоб ва кўлэзма асарлар, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг эски ўзбек тилида ёзилган "Бобурнома"сининг Саларжанг музейидаги Ҳайдаробод нусхаси, Мирзо Бобур ихтиро этган хатти Бобурий ёзувида битилган Куръони Каримнинг Маъхад нусхаси, Техроннинг "Гулистон" музейидан олинган "Бобур куллийети", "Бобур ва Эрон" асарлари шулар жумласидандир. Музейимиздаги нодир асарлардан 15 таси фондимиз ҳомийлигида ўзбек тилига таржима этилиб, ихлосмандларга ҳавола этилди.

— Халқаро Бобур фондининг Андижон ва Тошкент бўлимида доимо мамлакатимизнинг етук олимлари иш олиб бораётган бўлади. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бусиз бўлмайди-да. Нашрга тайёрланган аксари китоблар дунё бобуршунослари эътиборига ҳам ҳавола этилади. Шунинг учун мамлакатимизнинг етук олимлари, таржимонлари бу нашрларнинг нуқсонсиз, мукамал бўлиб яратилишида биз билан ҳамкорлик қилишяпти. Фонд раёсати ташаббуси ва моддий ҳомийлиги билан бундан ўн йил аввал бошланган "Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Катта меҳнат ва изланишлар билан амалга оширилаётган, Бобур ихлосмандлари учун муносиб тўхфа тарзидagi бу энциклопедия ҳадемай дунё юзини кўради.

Яқинда Ҳиндистондан ўзбек олими, профессор Озод Шаматовга бир тўхфа келди. Бу — Ҳиндистоннинг йирик жамоат ва давлат арбоби Салмон Хуршиднинг "Бобур ўғиллари" номи янги пьесаси экан. Пьеса муаллифи маърифатпарварлик ва ҳуқуқшунослик бобидаги фаолияти давомида замонавий Ҳиндистон талаблари нуқтаи назаридан Баҳодиршоҳ Зафарни асосий қаҳрамон қилиб, олти нафар буюк Бобурий - Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳижаҳон ва Аврангзебнинг тарихини назардан ўтказган. Яратилаётган Бобур энциклопедиясига Озод Шаматовнинг пьеса ва унинг муаллифи ҳақидаги маълумотини ҳам киритишга қарор қилдик. Яна бир фикр, Ҳиндистонлик адиб Салмон Хуршиднинг ушбу "Бобур ўғиллари" асарини инглизчадан ўзбекчага ўғириб, ўзбек саҳнасида намён этишни ҳам режалаштирганмиз.

— Халқаро Бобур илмий экспедицияси Бобур мероси намуналарини йиғиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Экспедиция аъзолари бўлган ўзбек адиблари сафар таассуротлари ўлароқ ўз асарларини ҳам тўхфа қилишмоқда.

— Албатта, таниқли адиб Ҳайриддин Султоннинг "Бобурийнома", "Саодат соҳили", андижонлик адиб ва шоир Қамчибек Кенжаннинг "Ҳинд сорига", "Буюклар изидан", "Бобурийлардан бири", "Андижондан Даққагача", "Андижондан Бағдодгача", "Буюк Сохибқирон Амир Темур изидан" каби асарлари китоблар томонидан илқ қарши олинди.

Фондимизнинг ўтган йилги хайри ишларидан яна бири Тошкентда ўтказилган "Захириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тугган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий конференция бўлди. Илмий конференция ишида республикамиздаги университет ва олий ўқув юртлири филология ва тарих йўналиши профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ЎзФА Тил ва адабиёт институти, Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ходимлари, шунингдек, Германия, Венгрия, Озарбайжон, Туркия, Миср, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон давлатларидан келган бобуршунос олимлар иштирок этдилар. Ушбу конференция арафасида Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр" асари нашрдан чиқди ва катнашчиларга тарқатилди.

— 2014 йил режаларини ҳам тузиб олгандирсизлар?

— 2014 йилдаги дастлабки ишимиз китобларга "Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси"нинг мукамал нашрини тақдим этишдир. Миллий бойликларимиз тикланибгина қолмай янгилири яратилаётгани ҳам, албатта, қувонарлидир. Бобурнинг "Танланган асарлари" мажмуини нашрдан чиқармоқчимиз. "Бобурнома"нинг ҳозирги шакли ўз ичига 18 йиллик воқеаларни қамраб олган. Бу асар аслида 36 йиллик воқеалар тафсилотидан иборат. "Бобурнома"нинг Андижонга мукамал шаклини топиш ва олиб келиш ҳақида ўйлашмиз. Бундан ташқари, Бобурнинг "Ҳарб иши", "Муслик сирлари", "Қофия илми" каби асарлари ҳам ҳали топилаганича йўқ. Бу борада келажақда алоҳида изланишлар олиб боришни режалаштирганмиз.

"Milliy tiklanish" мухбири
Замира РЎЗИЕВА
суҳбатлашди

Миллий ғурур

"Ватан корига яраш ҳаммага насиб этсин"

дейди "Шухрат" медали совриндори Аброр ПИРНАФАСОВ

— Болалигимданок табиий фанлардан кўра, аниқ фанларга қизиқишим баян эди. Буш вақт бўлди дегунча математик масалаларни ечишга тушиб кетардим. Фанга бўлган қизиқишимни англаган ота-онам Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги иқтидорли болалар мактаб - интернатида ўқишга беришди. Таълим жараёнида шунга иқдор бўлдимки, устозларимиз ҳар бир ўқувчини ўз фарзандидек кўриб, бор билимини аяммади. Фурсатдан фойдаланиб, барча устозларимга миннатдорчилик билдираман.

Юртимизда ёшларнинг билим олиши, ўз иқтидорини намойиш этиши, қизиқиши ва ижодий салоҳиятини янада ривожлантириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ҳар йили бутун дунё вакиллари иштирок эта-

диган Халқаро математика олимпиадасида ўзбек ёшлари фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани бунинг яққол далилидир. Энг нуфузли ва кўп йиллик тарихга эга мазкур фан олимпиадаларида иштирок этиб, медал олганларнинг асосий қисми бизнинг лицейдан етишиб чиққан. Албатта, бугунги кунда юртимиз шарофини биз каби ёшлар ҳимоя этаётгани қувонарли ҳол. Сўнгги йилларда кўлга киритган натижаларнинг янада юксалиб бориши ҳуқуқимизга томонидан таълимнинг модернизация қилиш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли деб биламан.

2008 йили Мадридда ўтказилган 49-халқаро математика олимпиадасида катнашиш менга ҳам насиб этди. Ўша онда мақсадим сари олға интилиб, ғолиб бўлишни дилмига туккандим. Буни

қарангки, тез орада яна бир қувонарли воқеа юз берди. Мактаб интернатимиздан 3 киши олимпиадага йўланма олди. 97 та мамлакатдан 535 нафар иштирокчи қатнашган халқаро математика олимпиадасида дўстларим бронза медалини, мен эса халқаро олимпиада ташкили кўмитасининг фахрий дипломи билан тақдирландим. Ростини айтганда дўстларимга жуда-жуда ҳавасим келди. Ўз устимда тинимсиз ишлаб, 2009 йили Германияда бўлиб ўтган 50-халқаро математика олимпиадасига йўл олдим ва ниҳоят бронза медалига сазовор бўлдим. Бу мен учун ҳаётимдаги энг катта ютуқ эди.

Шунингдек, талабалар ўртада ўтказилган республика фан олимпиадасида ҳам кетма-кет уч мартаба 1-ўринни эгалладим. Тўғриси, ютуқлар ютуқларни

етақлар экан. Ўзбекистон Республикаси Президентини давлат стипендианти бўлганимни биринчи бўлиб дадамга айтдим. Бу хушхабарни эшитган дадам қувончдан йиғлаб юбордилар. Юртбошимиз менга кўрсатган эътиборларидан бошлари осмонга етди. Дадажонимнинг: "Сенга ишонардим, юзимни ёруғ қилдинг. Сени эъзозлаган халқинг ишончини оқлашинг керак, ўғлим" деган сўзларини эшитиш мен учун олий шараф эди.

Шахсий ҳаётимдаги яна бир улкан воқеа — Президентимиз Фармонига асосан "Шухрат" медалига сазовор бўлдим. Озгина меҳнатим шу қадар эътироф этилиб, рағбатлантирилишини ҳаётимга ҳам келтирмаган эдим. Хали олдинда қиладиган ишларим, бажарадиган вазифаларим бисёр. Илм-фан ривожига ўз ҳиссамни қўшиб, илмий ишларим орқали янгиликлар қилишни ниятдаман. Юртбошимиз билдирган ишончини оқлашга ҳамиша тайёрман.

"Milliy tiklanish" мухбири
Тўмарис АБЗАМ
тайёрлади

Реклама ўрнида

Банк кўмаги қўл келаяпти

Истиқлол йилларида юртимизда иқтисодийётини янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, пировардида, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки марказдан анча олис бўлган чекка туман, қишлоқ ва овулларда ҳам янги ишлаб чиқариш корхоналари, минци цех ва минитехнологиялар ишга туширилаётгани, шунга мос ҳолда чорвачилик, паррандачиликка ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари сони кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Қолаверса, бу жараёнларда Наманган вилоятида олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик бўлиб, бунда айниқса ёшларимизнинг фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Уларнинг ўз бизнесларини амалга оширишларида мамлакатимиздаги йирик банк муассасаларидан бири — "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Наманган вилоят бошқармаси яқин кўмакчи бўлмоқда.

Банк томонидан ўтган 2013 йилда кичик бизнес субъектларига жами 51 млрд сўмга яқин кредитлар ажратилган ва унинг натижасида кўплаб янги иш ўрни яратилган ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.

Банк томонидан олиб борилаётган кенг кўламли амалдор натижаларни мижозлар фикридан ҳам билса бўлади.

Нилуфар ХУДОЙҚУЛОВА,
"Мосттрансонтаж" МЧЖ раиси
(Наманган вилояти):

— Биз банкнинг "Давлатобод" филиали мижозимиз. "Агробанк" Наманган вилоят бошқармаси томонидан пахта ипидан оқартирилган ва буюлган трикотаж мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ажратилган кредит эвазига четдан 9 турдаги жами 12 та замонавий даст-

гоҳлар сотиб олдик. Ҳозирги кунда жамиятимизда 35 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Мамлакатимизда банк тизимида, айниқса, тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашишга қаратилган кенг имконият ва шароитлар туфайли ўз бизнесимиз ва ишимга эга бўлдим. Банк билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштирганман.

Дилбархон ҚҶҚОРОВА,
"Холбаев Ҳакимжон Собирович" хусусий корхонаси раҳбари:

— Юртимизда оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилган имтиёз ва имконият туфайли биз ҳам ўз оилавий бизнесимизни йўлга қўйдик. "Агробанк" ОАТБнинг Наманган филиали томонидан корхонамизга пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тикув дастгоҳлари сотиб олишга 149 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Ажратилган кредит ҳисобига хориждан 10 та тикув дастгоҳи олиб келдик. Айни кунда Наманган тумани Миришкор ҚФЙда жойлашган хусусий корхонамизда ўз оила аъзоларимиз билан бирга 19 нафар маҳалладошим меҳнат қилмоқда.

Толибжон ҚОСИМОВ,
Поп туманидаги "Дангал" фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртбошимизнинг "Фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, уни замон талаб қилаётган янги, юксак босқичга кўтариш, бу соҳа олдида турган муаммоларни ҳал қилиш

энг муҳим вазифаларимиз қаторига қиради", деган сўзлари бизга доимо рағбат ва ишонч бағишлаб келади.

Биз 230 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар йили пахта, ғалла режаларини ортиги билан бажариб келамиз. "Агробанк" ходимлари бизни доимо қўллаб-қувватлаб, кўмак бериб келади. Айниқса, Республика Марказий банки мутахассисларининг туманимиз тадбиркор ва фермерлари билан жойларда ташкил этаётган учрашувлари бизни банк соҳасида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш, улар томонидан яратилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Ана шундай учрашувларда мунтазам иштирок этишга ҳаракат қиламан. Агробанк томонидан ажратилган 180 млн. сўм кредитдан самарали фойдаланиб, балиқчилик хўжалигини ташкил этдик. Бунинг эвазига хўжалигимизда яна 6 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Олаётган фойдамизни оиламиз иқтисодини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, турар жойларни ободонлаштириш учун сарфлаймиз.

Мисоллардан кўриниб турибдики, "Агробанк" Наманган вилояти филиали бугунги кунда вилоятда фермерликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кенг кўламли иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса мижозларнинг "Агробанк"ка бўлган ишончини оширади ва уларнинг яқин кўмақдoshi бўлишига хизмат қилади.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Реклама ўрнида

Барқарор ва ишончли

"Туронбанк" мижозлари ортиб бормоқда

Муҳфия ИСМАТУЛЛАЕВА,
хусусий тадбиркор
(Фаргона вилояти):

— Мен бир неча йилдан буён ушбу банк мижозиман. Дастлаб 2 нафар ишчи билан нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Шундан сўнг, банкдан кредит олиб, иш фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 10 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 2014 йилда маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз.

Дилшод БОБОНАЗАРОВ,
ёш тадбиркор (Қашқадарё вилояти):

— Банк томонидан касб-ҳунар коллежаларини битириб, ўз йўналишларни бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида юрган йигит-қизларга микрокредитлар ажратилаётгани мен қатори кўплаб юртимиз ёшларининг ҳаётда ўз ўринларини топишларига замин яратмоқда. "Туронбанк"нинг ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиши ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиши бўйича етакчи ўринда эканлиги қувонарлидир. Айниқса, Республика Марказий банки мутахассисларининг тадбиркор ва

фермерлар билан жойларда ташкил этаётган учрашувлари мамлакатимизда банк соҳасида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш, яратилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Коллежни тугатган, иссиқхона ташкил этишга оид бизнес лойиҳа тайёрладим. Бу лойиҳам банк ходимларига ҳам маълум келди. Олинган кредитдан самарали фойдаланиб, маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидаман.

Банк маблағлари ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириб, иқтисодийётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган сановат корхоналари тобора кўпаймоқда. "Туронбанк"нинг бевосита ёрдами билан "Фаргона ип-газлама" ишлаб чиқариш корхонаси негизда ташкил қилинган "Фаргона Турон-текстиль" маъсуляти чекланган жамиятга Германиянинг "Truetzschler" фирмасидан замонавий ип-йигирув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Эндиликда корхона йилга 8100 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга бўлди. Шу билан бирга 520 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозирда корхона маҳсулотларини кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Иқболжон ЙЎЛДОШАЛИЕВ

Фаолият

Маънавий етук ва соғлом ўғлонлар

Оқдарё ўқув спорт-техника клубида тарбияланмоқда

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахслизлигини сақлашда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, халқ ҳўжалиги тармоқларида оммавий техник йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаб бериш, ёшларни қақриуга тайёрлаш, улар орасида олиб борилаётган ватанпарварлик тарғиботини кучайтириш, ҳарбий хизматга қақрилувчиларда бошланғич билим ва кўникмаларни шакллантириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Оқдарё туман ўқув спорт-техника клуби ҳам муносиб улш кўшмоқда.

танпарварчилар бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Шу боис ҳам ўтган йил мобайнида автомобиль бошқарушининг барча тоифалари бўйича ҳайдовчилар тайёрлаш режаси бажарилди. Турли русумдаги енгил ҳамда юк автомобилларда бажарилаётган амалий машғулотлар, махсус жиҳозланган синф хоналардаги назарий ўқувлар натижасида бўлажак ҳайдовчилар имтиҳонларни муваффақиятли топширишмоқда. Айни пайтда ташкилот жамоаси нафақат малякали ҳайдовчилар тайёрлашни, балки ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбия-

лашни ўз зиммасига олган. Ана шу эзуға мақсад йўлида ташкилотда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар белгиланмоқда. Туман спорт-техника клубида фаолият юритаётган дуатлон, ҳаволи милтиқдан ўқ отиш каби спорт секцияларида 50 нафарға яқин ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Уз навбатида мухир спортчилар бир неча бор нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб қайтилди.

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Диққат, танлов!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловға 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача - бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ - 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирландилар.

“Олтин қалам” танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондирининг мукофотларини таъсис этган.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республика мидаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловға теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлишидан қатъи нисбатан, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловға юборилган материалларға куйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллифининг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифининг тўрақ жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига соҳасида “Туркистон” саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди. Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилға юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129,
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.
www.journalist.uz**

Қишининг қорли-қировли кунларида барчамиз уйимизни иситиш мақсадида қўшимча иситиш ускуналаридан фойдаланишимиз сир эмас. Айниқса, бозорларимизда сотилаётган арзон, қўлбола, давлат стандартлариға тўғри келмайдиган электр иситкичлар ҳақ орасида кенг тарқалган. Тўғри, у тез қизийди, хонани иситади, овқат пиширини ҳам қўлай. Бироқ, улар қиш турган спиралли плата устиға бирон нарса бехосдан тушиб кетиши ва буниғ оқибатида ёнғин келиб чиқишини билишармикан? Билишади-ю фақат неғадир безътибор қарашади.

Маълумки, маҳалларимиздаги уйлар бир-бириға жипс ҳолда қурилган. Бу эса бир хонадондан чиққан ёнғин иккинчисиникиға ўтиш хавфини оширади. Натижада, нафақат уй, балки тирик инсонлар олов қурбонига айланиб қолмоқда. Биргина мисол. Яқинда Юнусо-

Огоҳлик Иситиш воситалари

ёнгиниға сабаб бўлмасин

бод тумани Аҳроробод кўчасида қурилаётган янги 20-сонли ер бўлағида содир бўлган ёнғин аянчли яқун топди. Хонани иситиш мақсадида қўлбола электр плитасини ёқиб, ухлаб қолган фуқаро, 1971 йилда туғилган Азамат Алиёров жиддий тан жароҳати олиб, ҳаётдан кўз юмди.

Ўтган давр мобайнида туманимизда содир бўлган ёнғинлар арзимас сабаблар туфайли ҳам содир бўлмоқда. Таҳлилларға мувожаат этадиган бўлсак, 2013 йилнинг 12 ойи мобайнида туманимизда 208 та ёнғин содир бўлган. Шундан 41 таси шахсий хонадонларда, 40 таси кўп қаватли уйларда рўй бергани қайд этилган. Ушбу ёнғинларнинг аксарияти қаровсиз қолдирилган электр иситиш анжомлари, газ печла-

рининг қизиб кетиши натижасида келиб чиққан. Ачинарлиси шундаки, бу каби ёнғинлардан кичикинтойларимиз ҳам азият чекишмоқда.

Шундай экан, қиш кунларида хонадонимизда талофат бўлмаслиғи учун иситиш ускуналаридан тўғри фойдаланайлик. Биз ёнғин хавфсизлиғи ходимлари барча юртдошларимизни оловдан эҳтиёт бўлишға қақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганиғизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, болалариниғизни назоратсиз қолдирманг.

**М.ЮСВАЛИЕВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант
Д.ИКРОМОВ,
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

Реклама ўрнида

Мустақилликнинг дастлабки йилларидағок юртимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг миғжоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бераёттир. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланмоқда. Бунда, албатта, банкларнинг хизмати алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, 2013 йил давомида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 6 трлн. 981 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу 2012 йилға нисбатан қарийб 1,3 баробар кўп дегашидир. Ажратилган ана шу маблағлар эвазига 350 миғдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Президентимиз 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилға мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлариға бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидағи маърузасида ҳам республикаимизда молия-банк тизимида қўлга киритилаётган ижобий ўзгариш ва ютуқларни мамуният билан таъкидлаб ўтди. Ўтган йили иқтисодиётнинг реал секториға ажратилган кредитларнинг ялли ҳажми 30 фоизға ошгани, айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиб, мамлакатимизда ҳар юз миғ катта ёшдағи аҳолиға 49,7 та банк муассасаси тўғри келди. Мамлакатимиздағи қатор банклар фаолиятиға кўплаб хорижий молиявий ташкилотлар, рейтинг компаниялари томонидан халқаро қабул қилинган мезонлар асосида “Барқарор” деган баҳо берилётгани кувонарлидир.

Ўзбекистон банк тизимидағи бундай ижобий ютуқ ва ўзгаришлар, албатта, дунёдағи етакчи халқаро рейтинг агентликлари эътирофиға сазовор бўлиш билан бирға, юртдошларимизда тиғжорат банкларига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганини билдиради.

**Сиддикхон АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридағи давлат бошқаруви академияси тингловчиси:**
— Банк ходимларининг ўз касбига ижодий ёндашуви, одоб-ахлоқи, миғжозлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши, хотин-қизлар, ёш тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўлай муҳит яраташтириш алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалға оширилаётган ислохотлар тадбиркорлик билан шуғулланиш учун катта имконият, шарт-шароит ва имтиёзлар ярати берилди.



МИКРОКРЕДИТБАНК

Бунинг натижасида соҳада фаолият юритиб, мамлакат тараққиётиға муносиб ҳисса қўшиш баробарида, ўз оиласи фаровонлиғини таъминлаётган ҳамюртларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Уларнинг орасида хотин-қизлар ва ёшларнинг борлиғи янада кувонарли.

Албатта, бундай саёй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўёбға чиқаришда юртимиздағи молия муассасалари ҳам муносиб ҳисса қўшаёттир. Улар томонидан кўрсатилаётган сифатли банк хизматлари, ажратилаётган имтиёзли кредит маблағлари нафақат иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, балки аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий бандлиқни таъминлаш, тадбиркор аёл ва ёшлар сафининг ортишида муҳим ўрин тутмоқда.

**Мўмин НАРЗИЕВ,
“Слайк Мўмин Мирзо”
хусусий корхонаси раҳбари
(Самарқанд вилояти):**
— Сўнги йилларда давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалға ошириб келинмоқда. Айниқса, бу борада банк хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Маълумки, тадбиркорлик фаолиятидағи муваффақиятлар молиялаштириш масаласининг тез ва ижобий ҳал этилишиға боғлиқ.



Имтиёз ва имконият тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда

Тадбиркор ва банк ҳамкорлиғи қай даражада муҳим аҳамиятға эға эканлиғи бизнинг тағрибамиз мисолида ҳам намоён бўлади. Кишлогимизда мебель ишлаш чиқаришни йўлга қўйдик. Юртимиз бўйлаб янги уй-жойлар қурилаётгани, ёшларимизда яхши яшаш истағи борлиғи боис бугун биз ишлаш чиқараётган маҳсулотларға ички бозорда ҳам талаб катта. Худудимизда мебельларға буюртмалар кўплиғи боис, ишлаш чиқаришни кенгайтиришға қарор қилдик.

Бунинг учун “Микрокредитбанк” кўмағиға таяндик. Ушбу банк ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида бир қатор қўлай ва фойдали микромолиялаш хизматларини тақдим этиб келмоқда. Шу боис, айнан шу бизнес бизға маъқул келди. Банк бизға қисқа муддатда 30 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Олинган маблағ эвазига юқори сифатли мебель ишлаш чиқариш имконини берувчи замонавий асбоб-ускуналар харид қилдик. Янги технологиялар маҳсулотларимизни янада сифатли ва бежирим, харидорғи қилиб тайёрлаш имконини бермоқда. Бундан ташқари, корхонамиз 3 нафар ёшни иш билан таъминлади.

**Бахтиёр ХОДЖИМАТОВ,
“Асака файзли нон” МЧЖ
раҳбари (Андижон вилояти):**
— Республика Марказий банки мутахассисларининг тадбиркор ва фермерлар билан жойларда ташкил этаётган учрашувлари мамлакатимизда банк соҳасида рўй бераётган янгилардан хабардор бўлиш, яратилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Банк кредитлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳаға қаратилаётган эътибор туфайли кишлог жойларда ҳам кичик корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Кичик бизнес тадбиркорлар учун фойда олиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва оилавий бюджетни яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари, кичик корхоналар бозорда катта талабға эға бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳолиға турли хизматлар кўрсатади. Бу эса кишлог жойларда ҳам шаҳарниқидан қолишмайдиған шароитда яшаш имконини яратмоқда.

Мисол учун бизнинг Асака туманида ҳам сўнги йилларда кўлаб кичик корхоналар, ишлаб чиқариш мажму-

лари фаолият юрита бошлади. Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида “Асака файзли нон” МЧЖни ташкил этдик. Ўтган йили “Микрокредитбанк” билан келишган ҳолда 39 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдик. Олинган кредит ҳисобига хорижда ишлаб чиқаришган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Натижада, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифатли ва мазали бўлмоқда. Шу билан бирға 2 та янги иш ўрни яратилди. Айни кунда корхонамизда 12 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

**Рустамбек МАМАЖОНОВ,
“Нашр” МЧЖ раҳбари
(Андижон вилояти):**
— Бизнинг Олтинқул туманидағи “Марказ” кишлог фуқаролар йиғинида маҳаллий ташкилот, корхона ва хусусий буюртмачиларға хизмат кўрсатувчи замонавий типография фаолият кўрсатиб келмоқда. Типографияни техник жиҳатдан янгилашға эҳтиёж туғилгани боис биз бу масалани банк кўмағида ҳал этишға қарор қилдик. Шу мақсадда кичик бизнесни ривожлантиришни муносиб рағбатлантириб келаётган “Микрокредитбанк”қа му-

рожаат қилдик. 2013 йилда олинган 15 миллион сўмлик маблағни замонавий полиграфия асбоб-ускуналарини харид қилишға сарфладик. Бу эса чиқарадиган маҳсулотларимиз сифати ва турининг ошишиға, катта буюртмаларни ўз вақтида тайёрлаш имконини берди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш йўлида банк билан ҳамкорликни давом эттирадим.

**Нодира МЕЛИБОЕВА,
“Нодира чевар” хусусий
корхонаси раҳбари
(Жиззах вилояти):**
— Юртимизда банклардан олинаётган микрокредитлар туфайли ўз фаолиятини кенгайтириб, иқтисодиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшаётган хотин-қизлар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Мен ҳам ана шулар қаторида эканлиғимдан фахрланаман. “Микрокредитбанк”нинг бевосита ёрдами билан 36 миллион сўм миқдорда кредит олдим. Корхонамизға замонавий тикув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатдик. Эндиликда корхонамиз туманимиз аҳолисиға сифатли ва бежирим трикотаж маҳсулотларни етказиб бермоқда. Коллеж битирувчилардан 4 нафарини ишға олдик. “Устоз-шоғирд” йўналишида иш ташкил қилганмиз.

**Бобур ҚЎЗИБОВЕВ,
“Рўзиммат Қурбан” фермер
ҳўжалиғи раҳбари
(Қорақалпоғистон
Республикаси):**
— Замонавий фермер ер эғаси бўлибгина қолмай тадбиркор ҳамдир. Бугунги кунда давлатимиз томонидан соҳаға қаратилаётган эътибор катта. Бу, айниқса, фермерлик ҳаракати, кишлог хўжалиғининг — чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик, баличчилик, иссиқхона хўжалиғи, интенсив боғдорчилик синғари тармоқларини қўллаб-қувватлашда намоён бўлмоқда.

Шу боис бугунги кунда кўплаб фермер хўжаликлари нафақат кишлог хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқарилаёпти, балки уларни қайта ишламоқда. Мазкур жараёнда банкдан олинаётган кредитлар муҳим роль ўйнаш шубҳасиз. Шу маънода “Микрокредитбанк” бизға кўмақдош бўлиб, 25 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Ушбу маблағ ҳисобидан хўжалиғимизда паррандачиликни йўлга қўйдик. Бу бизға қўшимча даромад келтирмоқда. Бундан ташқари, кишлог аҳолисиға янги иш ўринлари яратишға эришдик. Буларнинг бари банкларни фермерлик ҳаракатининг ишончли ҳамкорига айланиб бораётганидан далолат беради.

**Э.ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

Бизнинг шарҳ

“ИНСОНЛАР МАНФААТИ — СИЁСАТНИНГ МАҚСАДИ”

Япониядаги йирик сиёсий партияларнинг гоялари асосан шу мақсадга, яъни, инсон манфаати, унинг кадр-қиммати олий қадрият эканига қаратилган



Либерал-демократик партия мамлакатдаги йирик сиёсий кучлардан бирига айланган. Сўнгги 2012 йилги парламент сайловларида ҳам мазкур партия коалиция таркибиде ғалаба қозонгани ҳам бунга мисол. Партия асосан консерватив руҳдаги кишлоқ аҳолиси, йирик корпорациялар ва ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар томонидан қўллаб қувватланади. Ички сиёсатда партия консерватив йўналишга асосланади ва аҳолининг катта қисми буни маъқуллайдди. Шунингдек, фанни ривожлантириш ҳамда ахборий жамиятни шакллантириш, тарихий анъаналар, қадриятлар, миллий манфаатларни ўз дастурий мақсадларида ифода этган.

Партиянинг муҳим дастурий мақсадлари сирасига экспортга асосланувчи тез суръатлардаги иқтисодий ўсиш, АҚШ билан мустақам ҳамкорлик қилиш қиради. Кейинги йилларда партия томонидан амалга оширилган ислохотлар бюрократик тизимларни соддалаштириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш билан боғлиқ чоралар қўришга қаратилган.

Ушбу партиянинг коалиция бўйича доимий ҳамкори “Комэйто” партиясидир. Сайловдаги ғалабада унинг ҳиссаси катта. Партиялар биргаликда 67.7 фоизли натижа қўрсатишган. 1998 йил 7 ноябрда аввалги “Комэйто” ва “Янги дунё” партияларининг қўшилиши натижасида ташкил топган.

Партиянинг асосий шиори “Инсонлар манфаати — сиёсатнинг мақсади”. Партия ўз олдига қўйган вазифалардан

бири бюрократияга қарши курашиш, молиявий оқимларни шаффолаштириш, хусусий сектор ролини ошириш йўли билан префектуралар мухториятини кенгайтиришдир. Шунингдек, ташқи сиёсатда партия ядро қуролининг қўлланишидан воз кечиш ва ҳарбий тўқнашуларга йўл қўймаслик тарафдори ҳисобланади.

Мағлублар рўйхатининг бошида эса Япония демократик партияси турибди. Демократлар сўнгги сайловларга қадар уч йил ҳокимият тепасида бўлган. Сайловга куйи палатадаги 230 ўринни мустақам эгаллаб турган мазкур партия 2012 йилги сиёсий тадбирда атиги 57 ўринни қўлга киритди. Бу, албатта, партия учун яхши натижа эмасди. ЯДПнинг раиси ўзини айбдор билиб сайловдан кейин оқибатда чиқди. Бунда, шунингдек, партия томонидан илгари сурилган Япония қарзларини тўлаш учун савдога солинадиган солиқлар ҳажмини 2015 йилга қадар икки баравар ошириш ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам Япония демократик партияси нуфузини кескин тушириб, қарши овозлар сонини кўпайтириб юборди. Ушбу партия шу билан бирга “Фукусима” АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда ҳам етарли жонбозлик қўрсатмаганликда айбланди.

“Япония келажаги” партия ташкилотчилари гоясига кўра, “Япония келажаги” ўз атрофида ўн кучлар ва консервантларга қарши тура оладиган сўл кучларни бирлаштириши лозим эди. Партия 2012 йилги парламент сайловлари арафасида ташкил этилган. Умуман, сайлов олдида янги кичик партияларнинг тузилиши Японияда табиий ҳол. Партия раиси ҳисобланган Сига Юкико Када хоним ўзининг атом энергиясидан фойдаланишга қарши чиқишлари билан машҳур. Атом электр станциясидан бутунлай воз кечиш гояси у ташкил этган партиянинг асосий гояси сифатида эълон қилинган. 2012 йилги сайловларда партия мағлубиятга учраган.

Японияда яна кўплаб сиёсий партиялар фаолият олиб бораётган бўлиб, бу одамлардаги сиёсий онгнинг даражаси, сайлаш ҳуқуқининг оммавийлашуви ва давлат бошқарувининг янада мустақамланишига муҳим асос бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай кўппартиявийлик тизими аввало ҳар бир сиёсий партиядан ўз гоя ва мақсадларини тарғиб қилишнинг янги ва замонавий усулларини қўллаб, электрорат ишончини қозонишни тақозо этади.

Беҳбуд БОТИРОВ,
“Milliy tiklanish” шарҳловчиси

Кўп ҳаракат ҚИЛИНГ

Мутахассислар бир жойда узоқ муддат ўтириб ишлаш инсон умрини бир неча йилга қисқартиришини исботлашди.

Бундай ҳолатлар кейинчалик хавфли касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Австралиялик бир гуруҳ олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомида 50 ёшдан ошган 300 минг нафар кишининг иш фаолияти таҳлил этилди. Унга кўра, бундай камҳаракат кишилар бошқаларга нисбатан 15 фоиз кўп хасталикка чалинади ёки соғлиқдан шикоят қилиши аниқланди. Бундан ташқари узоқ вақт ўтириш мушаклар ва умуртқа поғонасининг огришига олиб келади.

Қишнинг бир куни ҳам...

Айни пайтда Шимолий Америка қитъасида совуқ ҳарорат давом этмоқда.

Оқибатда АҚШ жанубидаги бешта штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Бунга бир неча ҳафтадан буён давом этаётган қор буронлари сабаб бўлмоқда. Хабарларга қараганда, қаттиқ совуқдан ҳалок бўлганлар ҳам бор. Хусусан, Алабама штатидаги аксарият таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган, айрим ҳудудларда йўллар бутунлай ёпилиб қолган, мамлакат бўйлаб 7 мингдан зиёд авиарейслар бекор қилинган. Бундай ҳолат Европада ҳам кузатишмоқда. Хусусан, Буюк Британияда сўнгги 250 йилдаги энг совуқ ҳарорат ҳукм сурмоқда. Темза дарёси атрофидаги туманларда сўнгги 9 йил давомида намлик бўйича рекорд натижа қайд этилди. Суррей ва Беркшер графлиги атрофида истикомат қилувчи аҳоли эвакуация қилинган.

Темир йўл ҳалокати

Франциянинг Прованс ҳудудида темир йўл ҳалокати содир бўлган.

Мутахассислар ҳодисага ноқулай об-ҳаво сабаб бўлганини таъкидлашмоқда. Йил бошидан буён мазкур ҳудудда нисбатан кўп ёғингарчилик кузатишган. Оқибатда тоғ кўчиқлари қулаб тушган. Хабарларга кўра, табиий офатдан қариб 20 нафар одам турли даражада ташароҳати олган.

Заводда заҳарли модда

“Associated Press” ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, АҚШнинг Виржиния штатидаги “Freedom Industries” заводидан заҳарли кимёвий модда — метилциклоксан Элк дарёсига оқиб кетган.

Бунинг оқибатида бешта округда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, 120 мингдан зиёд аҳолига ичимлик сувидадан фойдаланмаслик тавсия этилган, қатор мактаб ва умумий овқатланиш масканлари фаолияти вақтинча тўхтатилган. Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

Интернет хабарлари асосида
Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ ахбороти

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2014 йил 30 январь ҳамда 6 февраль кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Республика онкология илмий маркази д/р 01/990ZBA бўлган «ДЭУ МАГНУС 2,0» — 31 500 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси д/р 01/738BAA бўлган «BA3-21074-045» — 10 500 000 сўмга, д/р 01/729BAA бўлган «Нексия» - 15 500 000 сўмга; «KAFOLAT» ДАСК ОАЖ Тошкент вилояти филиали д/р 10/550EAA бўлган «Нексия» — 7 900 000 сўмга, д/р 10/394VAA бўлган «Тико» — 3 900 000 сўмга; «KAFOLAT» ДАСК ОАЖ (дирекцияси) д/р 01/477MBA бўлган «ХЮНДАЙ СОНАТА V» — 22 000 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Олий суди д/р 01/442ZBA бўлган «Опель Омега» — 21 000 000 сўмга, д/р 01/443ZBA бўлган «Нексия ГБАСПГ» — 27 000 000 сўмга, д/р 01/944UAA бўлган «Нексия ГБАСПГ» — 26 000 000 сўмга; Тугатилётган «UNDER BRIDGE PETROL» МЧЖ тасарруфидаги д/р 01/704OBA бўлган «Лесетти» русумли автотранспорт воситаси ҳамда 1) Компьютер столи (1 дона); 2) Темир карқасли стул (4 дона); 3) Кресло (престиж) (2 дона); 4) Кресло (логика) (1 дона); 5) Филдиракли офис кресло 25-19 Д 601-1 (1 дона); 6) Филдиракли офис кресло TW-93 E 518 (1 дона); 7) Принтер Multifunction DCP 7057R1 (1 дона); 8) Пул санаш машинчаси (1 дона) мол-мулклари жами муҳассам ҳолда - 51 200 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Рангин дунё

Осиё цивилизациялари музейи



Музейнинг асосий биринчи қаноти 1910 йили таниқли архитекторлар Суон ва Макларен томонидан лойihalаштирилган бўлиб, неоклассик услубда бунёд этилган. Хитой цивилизацияси ва маданиятини акс эттирувчи нодир экспонатлар, Перанакан меросига бағишланган доимий кўрғазма, шунингдек, нозик ва бетакрор амалий санъат намуналари, кумуш ва чинни идишлар тўплами айнан шу ерда намойиш қилинади. Реконструкциядан сўнг, музейнинг биринчи қаноти 1997 йили қайтадан фойдаланишга топширилди. “Эмпресс-Плейс” биноси музейнинг иккинчи қаноти ҳисобланади. Бино 1860 йили инглиз қиролчаси Викториа шарафига қурилган. Аввалига қиролчиқа қароргоҳи, кейинроқ эса суд маҳкамаси бўлиб келган бино қайта таъмирдан чиқарилган, Осиё цивилизациялари музейи тасарруфида ўтган. 2003 йилнинг февралда иш бошлаган музейнинг иккинчи қанотида Хиндистон, Хитой, Жануби-шарқий Осиё ва Фарбий Осиё давлатларининг маданий мероси турли хил галерея ва кўрғазмали воситалар орқали ҳикоя қилинади.

Перанаканларга бағишланган Tok Panjang — Peranakan Dining Experience (Перанаканларнинг овқатланиш маросими) кўрғазмаси асли хитойлик бўлган перанаканликларнинг меҳмоннавозлик санъатини тўла-тўқис очиб беролган тарихий экспозициялар сирасига қиради. Tok Panjang (“узун стол” маъносини беради) — одатда бирор бир маросим чоғида ёзиладиган дастурхондир. Таомилга кўра, унда овқатланиш таомлари, байрам, туғилган кун, шунингдек, тўй муносабати билан ўтказиб турилади. Мазкур маросимга яқин қариндошлар, дўсту ёронлар мезбоннинг ошпазлик маҳоратига баҳо бериш мақсадида тақдир қилинади. Ўз навбатида мезбонлар тўқин дастурхон

эзиб, ўзига тўқ эканини кўз-кўз қилишдан чарчамаган. Қолаверса, перанаканлар кўрғазмасида чинни буюмлар, мебель, кундалик ва байрамона либослар билан ҳам танишиш мумкин. Сингапур азал-азалдан дунё савдогарларини ўзига ром этиб келган. Оролдан топилган археологик ашёларнинг гувоҳлик беришича, оролда XIV аср бошидан бери денгиз орқали савдо-сотик ишлари яхши йўлга қўйилган. Сингапур дарёси соҳилидан топилган сопол парчаси ана шундай ҳулоасани берган. Мутахассислар таъкидлашчи, ушбу Хитой сополи ҳақиқатдан ҳам XIV асрга оид ноёб ашё бўлиб чиққан. Музейнинг “Сингапур дарёси” бўлимида орол тарихидан сўзловчи бошқа буюмлар ҳам учрайди. Бундан ташқари, кўрғазмага от устида ўтирган чавандоз акс эттирилган митти

хайкалча ва шунга ўхшаш бошқа топилмалар (турли хил меҳнат қуроллари, “Кули” деб аталувчи либослар туркуми) қўйилган. “Жануби-Шарқий Осиё” бўлими 2500 йиллик тарихга эга Шимолий Таиланд ва Ява Индонезияси маданиятини ўз ичига олган. Галереянинг асосий қисмини эра-логик ашёларнинг гувоҳлик беришича, оролда XIV аср бошидан бери денгиз орқали савдо-сотик ишлари яхши йўлга қўйилган. Сингапур дарёси соҳилидан топилган сопол парчаси ана шундай ҳулоасани берган. Мутахассислар таъкидлашчи, ушбу Хитой сополи ҳақиқатдан ҳам XIV асрга оид ноёб ашё бўлиб чиққан. Музейнинг “Сингапур дарёси” бўлимида орол тарихидан сўзловчи бошқа буюмлар ҳам учрайди. Бундан ташқари, кўрғазмага от устида ўтирган чавандоз акс эттирилган митти

Зафар МУХАММАД

Дунё цивилизациялари бешиги ҳисобланмиш Осиё мамлакатларининг тарихий ва маданий меросини кўз қорачиқдек асраб келаётган бу музей Сингапур дарёси бўйида, Empress Place Building биносиде жойлашган. Музей бешта йирик — “Сингапур дарёси”, “Жануби-шарқий Осиё”, “Фарбий Осиё”, “Хитой” ва “Жанубий Осиё” бўлимларидан иборат. Умумий майдони 14 минг квадрат метр. Уч қаватли музейнинг 11 та галереясида Осиё халқлари маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўзида жамлаган 1600 дан зиёд ноёб артефактлар экспозиция қилинади.

Музейнинг асосий биринчи қаноти 1910 йили таниқли архитекторлар Суон ва Макларен томонидан лойihalаштирилган бўлиб, неоклассик услубда бунёд этилган. Хитой цивилизацияси ва маданиятини акс эттирувчи нодир экспонатлар, Перанакан меросига бағишланган доимий кўрғазма, шунингдек, нозик ва бетакрор амалий санъат намуналари, кумуш ва чинни идишлар тўплами айнан шу ерда намойиш қилинади. Реконструкциядан сўнг, музейнинг биринчи қаноти 1997 йили қайтадан фойдаланишга топширилди. “Эмпресс-Плейс” биноси музейнинг иккинчи қаноти ҳисобланади. Бино 1860 йили инглиз қиролчаси Викториа шарафига қурилган. Аввалига қиролчиқа қароргоҳи, кейинроқ эса суд маҳкамаси бўлиб келган бино қайта таъмирдан чиқарилган, Осиё цивилизациялари музейи тасарруфида ўтган. 2003 йилнинг февралда иш бошлаган музейнинг иккинчи қанотида Хиндистон, Хитой, Жануби-шарқий Осиё ва Фарбий Осиё давлатларининг маданий мероси турли хил галерея ва кўрғазмали воситалар орқали ҳикоя қилинади.

Инсон организми учун ниҳоятда фойдали зайтун меваси ва унинг мойи қондаги зарарли холестерин (LDL) микдори...



Ер юзиде етиштириладиган зайтун мевасининг 90 фоизидан мой олинади. Бундай мой консервантларсиз ҳам узок муддат сақланиши мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

Жазоирнинг Сиди-Бел-Аббес шаҳри яқинидаги қўлдан табиий сиёҳ оқади. Қўл суви тирик организмлар учун зарар бўлиб, фақат ёзиш учунгина яроқлидир.

Psathyrella aquatica — сув остида ўсадиган пластинкасимон қўзқориндир. Одатда, бундай қўзқоринлар Рог дарёси (Орегона шт., АҚШ)нинг юқори оқимида учрайди.

ТУРФА ОЛАМ

Катта қудуқ

ИСРОИЛЛИК АРХЕОЛОГЛАР 1,5 МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ҚАДИМГИ ҚУДУҚГА ДУЧ КЕЛИШДИ.

Мутахассисларнинг фикрича, Тель-Авив шаҳридан шимол-шарқда, Рамат-ха-Хаял ҳудудидан топилган қудуқ мураккаб тизимга эга. Авваллари қудуқдан сув чиқариш мақсадида эшак ва гилдиракдан фойдаланилган.



Автомобиль тақдироти

ШТУТГАРТ-ЦУФЕНХАУЗЕН (ГЕРМАНИЯ) МУЗЕЙИДА PORSCHE КОМПАНИЯСНИНГ 1898 ЙИЛИ ЯСАГАН ИЛК АВТОМОБИЛИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Egger-Lohner ёхуд P1 автомобили компания асосчиси Фердинанд Порше томонидан 22 ёшида ясалган эди. Узок йиллардан буён кидирилган машина яқингинада Австриядаги авто тураргоҳларнинг бирида тургани аниқланди.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилояти Оҳангарон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси Муяссар Пардаевага онаси ХАБИБА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Миллий банкнинг Учтепа филиали томонидан ЯТТ Ф.Ш. Каримов номига берилган 903073215501-903073215525 рақамли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сана

Бебаҳо хазина

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, адабий-баддий анжуманлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият тарғибот маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда улғу алломуларимиз, хусусан, Алишер Навоий асарларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтишди.

«Назм ва наво» кечасида шоир ижодий оламининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида алоҳида сўз юритилди. Алишер Навоий ижодидан намуналар ўқилди, ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар ижро этилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида ҳам шоирнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Навоий ижоди тадқиқотчилари, адаблар, журналистлар, муштарак адабиёт илосмандлари иштирок этди. Тил ва адабиёт институти директори, профессор Н.Маҳмудов таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Ҳазрат Навоий шахсияти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида олиб борилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми шоирнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга қаратилган. Бундай изланишлар натижасида шоирнинг 20 жылдик мукаммал асарлар тўплами чоп этилди. Шунингдек, ушбу асарларнинг электрон мўқобили яратилиб, интернет саҳифаларига joyлаштирилди.

Тадбир доирасида Навоийнинг 573 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Абадият гулшани» китобининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Феруза РЎЗИЕВА

Маданият масканларида



ҚЎҚОН ТЕАТРИ

Ижодий изланишда

Мустақилликка эришганимиздан сўнг жаҳон тарихида муносиб ўрин тутган ўзбек халқининг маънавияти, маданияти ва санъати кескин ривожланди. Президентимизнинг: «Албатта, ҳозирги даврда бозор қисқисодиёти талабларини ҳам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва ҳаққонлик, эзу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан сугорилган асарлар яратилиши — барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий».

Бу мақсадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб, вояга етказиш айниқса долзарб аҳамият касб этади», дея таъкидлаган сўзларида театр санъатини юксалтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги ўз ифодасини топган.

Театр санъати давр маданиятини кўрсатувчи муҳим восита ҳисобланади. Шу маънода Қўқон шаҳар Ҳамза номидаги мусиқали драма театри ҳам ана шундай маданият ўчоғи вазифасини ўтаб келмоқда. Бугунги кунда театрда янгича муҳит шаклланиган. Чунки ижодий жамоага бир қанча ёш ижодкорлар келиб қўшилди. Ҳозирда театрда А.Азизов, Ж.Жўраев, К.Охунов, К.Йўлдошев каби етук, Ш.Усмонов, И.Абдуллаев, Г.Олимова каби ёш режиссёрлар фаолият юритмоқда.

Ш.Усмонов ушбу асарни саҳналаштириш орқали Қўқон театрига моноспектакль жанрини олиб кирди. Спектакль илк бор намойиш этилганда жаҳон классик мусиқасидан фойдаланилган эди. Бироқ бундай мусиқий оҳанглр актёрнинг эмоционал ҳолатини очишда қўл келса-да, саҳнада намойиш этилаётган воқеалар жараёнига тамомилан зид эди, дейди санъатшунос Шахлохон ПУЛАТОВА.

Режиссёр ва актёр Ш.Усмонов бунинг моҳиятини англаб, спектакль мусиқаларини ўзгартирди. Бу жараёнда «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси кўмаги билан Муқимий номидаги мусиқали драма театрдан бастакор ҳамда созанда-лар жалб этилиб, куйлар ёзилди. Бир сўз билан айтганда, спектаклда ўзбекона мусиқа қаҳрамон характерини бошқарувчи восита вазифасини ўтади. Спектаклда актёрнинг пластик ҳаракати ўзига хос бўлиб, бугун у мусиқага ҳамоханг тарзда ҳаракат қилаётган. Театрга ташриф буюрувчиларни эса мулоҳаза юритишга ундамоқда.

стасно эмас. Масалан айрим актёрлар ўрни бўлмаса ҳам шевага хос сўзлашади. Бирок асар мавзу ва ғоя жиҳатидан томошабинлар талабига жавоб беради.

Театр репертуаридан маҳаллий асарлар билан бир қаторда Г.Олимова ва Ш.Усмонов каби ёш режиссёрлар томонидан саҳналаштирилган Мрожакиннинг «Кирол», Пушкиннинг «Сув париси», Гогольнинг «Шинель» каби классик асарлари ҳам ўрин олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, театр юртимиздаги кўрик танлов ва фестиваллардан ташқари чет эл гастролларига ҳам чиқиб туради. 2010 йили Миср Араб Республикасида бўлиб ўтган «Экспериментал театрлар» халқаро фестивалида Қўқон театри 47 та мамлакат орасида «Шинель» асари билан иштирок этди. Уни саҳналаштирган Ш.Усмонов «Энг яхши актёр» номинацияси соҳиб бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«Лайли ва Мажнун», «Сув париси», «Шинель», «Кирол», «Давлат болалари», «Кўшни қизга уйланаман», «Кўрмагани кўргани курсин», «Паймона», «Бахтининг шакли», «Жаннати аёл» каби саҳна асарлари ўрин олган. Эътиборлиси шундаки, бу саҳна асарларининг бари мавзу, ғоя ва жанр жиҳатдан хилма-хилдир. Шунингдек, режиссёр И.Абдуллаев ва О.Мададатовнинг ноанъанавийлиги билан ажралиб турувчи «Жаннати аёл» асари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. 2013 йилнинг май ойида ўтказилган «Сени куйлаймиз, замондош» фестивалида театр ана шу спектакли билан иштирок этди. Асар драма жанрида бўлиб, унда қайнона-келин муносабатлари янгича талқин қилинган. Саҳна асарини томоша қилиш жараёнида, танланган мусиқа ва чироқ спектаклнинг жозибаси, ранглр эса ритм уйғунлигини таъминлаганига гувоҳи бўласиз. Асар декорацияси ҳам белгиланган асарлар мавзу жиҳатдан долзарблиги, томошабошлиги, энг муҳими, томошабинни мушоҳада юритишга ундаши билан ажралиб туради. Бугун театр репертуаридан «Ғаройиб туш», Ойдин АЛИМАРДОНОВА «Milliy tiklanish» мухбири

Музейда бир кун

Санъатингдан ўргилай, халқим

Ўзбекистон давлат санъат музейи. Бу ном, айниқса, зиёли кишига ўзгача таъсир қилиши шубҳасиз. Ундаги халқ амалий санъати, рангтаъсир, рус ва Ғарб рассомларининг ижод намуналари, Шарқ мамлакатлари халқларининг ҳаёт тарзини акс эттирувчи подир буюмларни кўриб қалбимиз гурурга тўлади. Ушбу санъат асарларини шунчаки томоша қилиб бўлмайди. Шу боис, халқимиз ақлу заковатининг маҳсули бўлиши бу асарларни дурдонага менгаш мумкин.



— Халқаро миқёсдаги барча кўргазмаларда эур муваффақият билан қатнашиши келамиз, дейди музей раҳбари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Васила Файзиева. — Айниқса, Дубай шаҳрида ўтказилган кўргазмада музейимиз бир неча ноёб экспонатлари билан қатнашиб, юртимизда санъатга бўлган эътибор нечоғли юксак эканини намойиш қилиб келди. Қолаверса, музей жамоаси Россия ва Европа давлатларидаги турдош музейлар билан мустақкам алоқа ўрнатиб, ҳамкорлар сафини йил сайин кенгайтириб бораёпти.

Музейлар халқ бойлигини сақловчи, уларга гард юқирмай келгуси авлодларга етказиб берувчи муассасадир. Бу ерга келиб-кетувчилар қадим аждодларимиз ким бўлганини, нималар билан шуғулланганини аққол тасаввур қилишлари мумкин. Рости, музейдаги санъат намуналарини кўриб қалбимиз софланди. Уларни томоша қилар эканмиз, ҳаётга, ватанга бўлган меҳримиз янада ортди. Биз ҳақли равишда ўтмишдаги буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, уларга муносиб ворис бўлишимиз кераклигини тушуниб етдик.

Жорий йилда Санъат музейининг янада кенгайтириш кутилмоқда. Айни кунларда бу ерда капитал таъмирлаш ишлари кетаяпти. Бу эса музей имкониятларини кенгайтириб, ҳақиқий санъат илосмандлари халқимизнинг бой ва бемисл ижоди билан кенгроқ танишлари мумкин. Бундан ташқари, музейда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фойдаланишга топширилади. Айни пайтда музейда етмиш мингга яқин экспонат бор. Бу ҳали чегара эмас. Келажакда ижодкорлар томонидан янгидан янги асарлар харид қилиниши кутилмоқда.

Биз томошабинларнинг бугунги талабига мос, ғоявий юксак асарларни олиб келишни мақсад қилганмиз, дейди В.Файзиева. — Россиядаги Третьяков галереяси, Корея ва Вашингтон университетларининг музейлари билан яқин ҳамкорлигимиз бор. Қолаверса, музей тарғиботида асқотадиган турли хил буклет ва альбомлар чоп этишни режалаштириб қўйганмиз. Интернетда музейимизнинг расмий сайти ҳам ишлаб турибди. Вақт-вақти билан конференциялар ўтказиш, ўқувчилар кўни, шунингдек, умумхалқ байрамларимизни нишонлаш музей анъанасига айланган. «Соғлом бола йили»да ҳам олдимишга қўйган мақсад ва режаларимизни амалга ошириш ниятидамиз.

Пардабой ТОЖИБОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

наларини кўриб қалбимиз софланди. Уларни томоша қилар эканмиз, ҳаётга, ватанга бўлган меҳримиз янада ортди. Биз ҳақли равишда ўтмишдаги буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, уларга муносиб ворис бўлишимиз кераклигини тушуниб етдик.

Пардабой ТОЖИБОВ, «Milliy tiklanish» мухбири